

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШОВ ҲАМЗА САЙИДМУРОДОВИЧ

**ГОССИПОЛ ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИ:
СУВДА ЭРУВЧАН ШАКЛЛАРИ, БИОЛОГИК ФАОЛЛИКЛАРИ**

**02.00.10-Биоорганик кимё
(кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020 йил

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences**

Тошов Ҳамза Сайидмуродович

Госсипол ва унинг ҳосилалари: сувда эрувчан шакллари, биологик
фаолликлари..... 3

Тошов Ҳамза Сайидмуродович

Госсипол и его производные: водорастворимые формы,
биологическая активность..... 21

Toshov Khamza Sayidmurodovich

Gossypol and its derivatives: water-soluble forms, biological activity
..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШОВ ҲАМЗА САЙИДМУРОДОВИЧ

**ГОССИПОЛ ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИ:
СУВДА ЭРУВЧАН ШАКЛЛАРИ, БИОЛОГИК ФАОЛЛИКЛАРИ**

**02.00.10-Биоорганик кимё
(кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020 йил

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/K134 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.fdu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хантбаев Алишер Хамидович
кимё фанлари доктори, доцент

Расмий
оппонентлар:

Арипова Салимаҳон
кимё фанлари доктори, профессор

Жалолов Иқбол Жамолович
кимё фанлари номзоди (PhD)

Етакчи ташкилот:


Тошкент Фармацевтика институти


Диссертация химояси Фаргона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/30.12.2019.K.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» декабрь соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).


Диссертацияси билан Фаргона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (97 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (+99873) 244-44-02 факс: (+99873) 244-44-93).

Диссертация автореферати 2020 йил «4» 12 куни таркатилди.
(2020 йил «4» 12 даги _____ рақамли реестр баённомаси).



 В.У.Хўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси к.ф.д., профессор

 М.Нишонов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н.,
профессор

 Ш.В.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда янги биологик фаол моддалар синтези, улар асосида тиббиётда вирус касалликларини даволаш ва профилактика қилиш, турли хил этиологияли иммунотанқисликлар учун хусусан инсон иммунитетини вирусинфекциясини, гепатит В, С ва янги респиратор вирус инфекциялари (парранда гриппи) даволашда янги дори воситаларни яратиш муҳим ҳисобланади. Табиий бирикмаларнинг ҳосилалари ва ўзгартирилган аналоглари орасидан турли усуллар ёрдамида биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш, янги дори воситаларини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда бутун дунёда табиий манбаалардан ажратиб олинган доривор моддаларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Тиббиёт амалиётида қўлланиладиган доривор воситаларнинг 1/3 қисмини эса ўсимлик моддаларидан ажратиб олинган дори препаратлари ташкил қилади. Шунинг учун, таркибида госсипол сақлаган бирикмаларни янги ҳосилаларининг мақсадли синтезини ва модификациясини амалга ошириш, уларнинг тузилишини замонавий усуллар ёрдамида аниқлаш, олинган бирикмаларни турли биологик ҳоссаларини текшириш, танлаб олинган биологик фаол моддалар асосида янги дори воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида янги биологик фаол моддаларни синтез қилиш, улар асосида иммунитет ҳасталикларига қарши дори воситаларини яратиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш¹»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада госсипол асосида турли хил юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи вирус ва бактерияларга қарши қўлланилаётган дори воситаларнинг сезувчанлигини ошириш хусусиятига эга бўлган интерферон индукторловчи моддаларни синтез қилиш ва уларни тиббиёт соҳасида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибдорлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони.

натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий манбаларда берилган маълумотларга кўра, госсипол ва унинг турли ҳосилаларини олиш, органик лигандлар билан металл тузларининг синтези, таркиби, тузилиши, реакцион қобилияти, электрон тузилиши, термик таҳлили ва биологик хоссалари бўйича дунё миқёсида ва республикамизда P. Przybulski, E.P. Clark, R. Adams, Z.G. Wang, A. Kenar, D.Y. Naumov, C.H. Pominski, Ю.А. Харитонов, О.С. Содиков, А.И. Глушенкова, Х.А. Асланов, Б.Т. Ибрагимов, С.А. Ауелбеков, А.И. Исмаилов, Н.И.Барам, Л. Биктемиров, Д.Н. Далимов, К.С. Сулаймонкулов, Е.Н. Мухаммаджанова, А.М. Сайиткулов, С.А.Талипов, Х. Зияев, А.Х. Хаитбаев, Қ. Реджепов ва кўплаб ёш олимлар илмий фаолиятларида чуқур ўрганилган бўлиб, ҳозирда ҳам илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Шунга қарамасдан госсипол Шифф асосларининг турли d-металл тузлари ва глицирризин кислотаси моноаммонийли тузи (ГКМАТ), поливинилпирролидон (ПВП) кабилар билан таъсирлашиши натижасида ҳосил бўладиган супрамолекуляр комплекслари синтези, тузилиши, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда биологик фаоллиги етарли даражада ўрганилмаган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, иммуностимуллаш хусусиятига эга бўлган госсиполнинг янги Шифф асосларини синтез қилиш, уларнинг d-металл тузлари ва сувда эрувчи супрамолекуляр комплексларини олиш асосида кенг терапевтик таъсирга эга бўлган дори воситаларини яратиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-11-04 “Госсипол ҳосилалари супрамолекуляр комплекслари асосида герпесга қарши препаратлар яратиш ва ишлаб чиқиш” (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади госсипол ҳосилаларини синтез қилиш ва 3d металл тузлари билан металлокомплексларини ҳамда турли сувда эрувчи полимер моддалар билан супрамолекуляр комплексларини олиш, уларнинг индивидуаллиги ва тузилиши, ҳамда биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

госсиполни таркибида бирламчи $-NH_2$ гуруҳи тутган турли табиатли аминок бирикмалар билан кимёвий модификация қилиш;

синтез қилинган госсипол Шифф асосларининг физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан таққослаш мақсадида

3d металл тузлари металлокомплекслари ҳамда, глициррзин кислотасининг моноаммонийли тузи (ГКМАТ) ва поливинилпирролидон (ПВП) иштирокида супрамолекуляр комплексларини олиш;

синтез қилинган Шифф асослари ва улар асосида олинган комплекс бирикмаларнинг индивидуаллиги, айрим физик-кимёвий хусусиятларини ИҚ-, УБ-, ПМР спектроскопия, ИБП-МС (ISP-MS) спектрометрия ва рентген тузилишини таҳлил қилиш;

госсипол Шифф асослари иштирокида 3d металл тузлари билан олинган металлокомплекслари барқарорлигини аниқлаш;

госсипол ва унинг Шифф асослари таутомериясини ярим эмпирик усуллар ёрдамида квант-кимёвий ҳисоб-китоб қилиб ўрганиш;

Шифф асослари металлокомплексларининг назарий жиҳатдан фазовий тузилишини ўрганиш мақсадида ChemOffice дастурининг эмпирик усули (MM2) ҳамда HyperChem дастурининг яримэмпирик усуллари ёрдамида квант-кимёвий ҳисоблашлар ўтказиш;

синтез қилинган моддаларнинг айрим бактерия, замбуруғ ва яллиғланишга қарши фаоллигини қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида госсипол, алифатик, ароматик ва гетероциклик бирламчи аминлар, 3d металл (Mn^{2+} , Co^{2+} , Ni^{2+} , Cu^{2+}) тузлари, ПВП, ГКМАТ танланган.

Тадқиқотнинг предмети кимёвий ўзгаришлар, азометин ҳосилалар, металл ва супрамолекуляр комплекслар, тузилиш, компьютер моделлаштириш, айрим бактерия, замбуруғ ва яллиғланишга қарши фаоллигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот иши натижаларини олишда моддаларни филтрлаш, тозалаш, қайта кристаллаш, лиофил қуритиш, юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ), УБ-, ИҚ- ва ПМР спектроскопия, масс-спектрометрия (ISP-MS), кукунли дифрактометрия, рентген структура анализ, квант-кимёвий ҳисоблашлар (MOPAC, ChemOffice (MM2), HyperChem) ва биологик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор госсиполнинг турли табиатли (алифатик, ароматик ва гетероциклик) бирламчи аминлар билан 8 та Шифф асослари синтез қилинган;

илк бор Шифф асосларининг Mn^{2+} , Cu^{2+} , Ni^{2+} , Co^{2+} тузлари иштирокида 40 та металлокомплекслари шунингдек поливинилпирролидон ва глициррзин кислотасининг моноаммонийли тузи иштирокида 16 та янги супрамолекуляр комплекслари олинган;

госсиполнинг 7-аминодезоксивазизин-9-тион билан ҳосил қилган Шифф асосининг Cu^{2+} ва Co^{2+} металл ионларига нисбатан танлаб таъсир этиш хоссаси исботланган;

госсипол ҳосилалари билан Mn^{2+} , Cu^{2+} , Ni^{2+} , Co^{2+} тузлари металлокомплексларининг барқарорлиги ушбу $Cu > Ni > Co > Mn$ қаторда ўзгариши ва бу Ирвинг-Вильямс қаторига мос келиши аниқланган;

олинган супрамолекуляр комплекслар кучсиз кислотали ва кучсиз

ишқорий мухитларда 48 соат давомида деярли гидролизга учрамаслиги аниқланган;

госсипол Шифф асослари ва супрамолекуляр комплексларининг айрим бактерия, замбуруғ ва яллиғланишга қарши фаоллигини аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

госсипол асосида синтез қилинган Шифф асосларининг айрим физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан таққослаш мақсадида Mn^{2+} , Cu^{2+} , Ni^{2+} , Co^{2+} тузлари ва ПВП, ГКМАТ иштирокида комплекслари олинган;

синтез қилинган Шифф асосларининг металлокомплекслари таркибидаги Mn^{2+} , Cu^{2+} , Ni^{2+} , Co^{2+} ионлари ФЭК, ИҚ- ва ПМР спектроскопия, масс-спектрометрия (ISP-MS), кукунли дифрактометр (XRD-6100) усуллари ёрдамида аниқланган;

госсиполнинг 7-аминодезоксивазицин-9-тион билан ҳосил қилган Шифф асосининг Cu^{2+} ва Co^{2+} металл ионларига нисбатан танлаб таъсир этиш хоссаси аниқланган ва ушбу моддага Ўз Стандарт агентлигидан “Ташкилотнинг стандарти” (Ts 303324424-001:2020) олинган;

госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит)нинг ГКМАТ билан супрамолекуляр комплекси субстанциясини олиш регламентини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий хроматография (ЮҚХ), УБ-, ИҚ-, масс-спектрометрия (ISP-MS), кукунли дифрактометр (XRD-6100), рентген тузилишини таҳлил қилиш, квант-кимёвий ҳисоблашлар (ChemOffice (MM2), HyperChem, PASS), биологик ва бошқа тадқиқот усуллари ёрдамида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, госсипол асосида алифатик, ароматик, гетероциклик бирламчи аминлар билан 8 та янги Шифф асослари синтез қилинган, Mn^{2+} , Cu^{2+} , Ni^{2+} , Co^{2+} тузлари билан металлокомплекслари ҳамда супрамолекуляр комплекслари олинб, уларнинг сувда эрувчан шаклга ўтиши, сувли эритмаларда 48 соат давомида деярли гидролизга учрамаслиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илк мартаба госсипол асосида синтез қилинган Шифф асослари, уларнинг Mn^{2+} , Cu^{2+} , Ni^{2+} , Co^{2+} тузлари билан ҳосил қилган металлокомплекслари ва ПВП ҳамда ГКМАТ билан супрамолекуляр комплекслари орасида яллиғланишга қарши сезиларли фаолликни намоён қилувчи моддалар борлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Госсипол ва унинг ҳосилалари: сувда эрувчан шакллари, биологик фаолликлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экологик объектларда мис ва кобальт ионларини аниқлашда қўлланиладиган ди-(7-аминодезоксивазицин-9-тион)-госсипол органик реагенти учун ташкилотнинг стандарти (Ts 303324424-001:2020) «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган. Натижада янги органик реагент ёрдамида экологик объектларда мис ва кобальт ионларини аниқлаш

имконини берган;

госсиполиден-ди(2-аминоэтилен сульфит натрий) ва госсиполиден-ди (7-аминодезоксивазин-9-тион) моддалари «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖДа амалиётга жорий қилинган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» нинг 08.09.2020 йилдаги 993/ГК-09 сонли маълумотномаси). Натижада чиқинди сувлардан кобальт (II) ва никел (II) ионларини ажратиб олиш имконини берган;

янги иммуностимулловчи препарат яратиш имконини берувчи госсипол асосида синтез қилинган моддалардан Ф-6-05 рақамли «Полифенол ва тритерпеноидларнинг янги ҳосилаларининг антибиотиклар таъсирига резистент бўлган патоген бактерияларга қарши фаоллик таъсир механизмини ўрганиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада патоген бактерияларга қарши фаоллик таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 89-03-2334-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хом ашё асосида антибиотиклик хоссасини намоён қилувчи доривор препаратлар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 3 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Госсипол: тузилиши, хоссалари, таутомерияси (адабиётлар таҳлили)**» деб номланган биринчи бобида госсипол тузилиши ва унинг хоссалари бўйича адабиётлар таҳлили, госсиполнинг ҳосилалари ва уларни синтез қилишнинг физик-кимёвий хусусиятлари, биологик фаолликлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Таҳлил натижаларига кўра госсипол ҳосилаларининг аксарияти бактерияларга, вирусларга, ўсувчи хужайраларга ва кўплаб микроорганизмларга қарши фаолликларга эга. Кам


дозали препаратлар яратишда супрамолекуляр кимё усулларидан фойдаланиш натижасида препаратлар сувда эрувчан шаклга ўтади ҳамда биологик фаоллиги бир неча мартаба ортади. Шифф асосларининг турли металлокомплексларининг лиганд қуршовида турли N-, O-донор марказлар тутувчи металлокомплексларни ҳосил қилувчи металллар тўғрисида илмий адабиётлардаги тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Диссертациянинг «Госсиполнинг янги ҳосилалари синтези, уларнинг тузилишини ва биологик фаоллигини таҳлил қилиш (олинган натижалар таҳлили)» деб номланган иккинчи бобида ғўза ўсимлиги илдизидан госсиполни ажратиб олиш, турли тузилишли (алифатик, ароматик ва гетероциклик) аминокбирикмаларнинг Шифф асослари синтези, Cu^{2+} , Ni^{2+} , Co^{2+} , Mn^{2+} тузлари, ПВП ва ГКМАТ билан комплекслари олиниши, уларнинг тузилишини физик-кимёвий усуллар билан аниқланиши баён этилган.


Госсипол билан аминогуруҳ тутган моддаларнинг реакцияси натижасида ҳосил бўлган моддаларнинг Шифф асосларини синтез қилишда госсипол ва бирламчи амин 1:2 моль нисбатда тортиб олиниб, унинг эриши учун етарли миқдорда 96%ли этил спирти қўшилади ва магнитли аралаштиргичда қиздирган ҳолатда (70-80⁰С) уч соат давомида аралаштирилади. Реакциянинг бориши ЮКХ (юпка қатламли хроматография) ёрдамида назорат қилинади.


Синтез қилинган Шифф асосларининг барчаси сариқ рангдан то жигар ранггача бўлган, сувда эримайдиган, бензол, ацетон, хлороформда эрийдиган кристалл моддалардир.

Госсиполнинг Шифф асослари синтези қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:




Бу ерда R=:






Госсипол моддасининг УБ спектрида 235 нм соҳада, 289 нм соҳада ва 375 нм соҳада ютилиш максимумларини кузатиш мумкин. Бу ютилиш максимумлари госсипол моддаси таркибидаги хромофор гуруҳлар (кўш боғлар), π - π ва n - π электрон ўтишлар ҳисобига юзага келади. Моддаларнинг УБ спектрини олишда эритувчи сифатида этил спирти ишлатилди.




1-расм. Госсиполнинг УБ спектри




2-расм. Госсиполиден-ди (2-амино-4,6-диметилпириимидин)нинг УБ спектри

Госсиполиден-ди (2-амино-4,6-диметилпириимидин)нинг УБ спектрида 246 нм соҳада, 330 нм соҳада ҳамда 439 нм соҳада ютилиш максимумларини кўриш мумкин. Госсипол моддаси УБ спектридаги 235 нм соҳада кузатилган ютилиш максимуми Шифф асосида 246 нм соҳага, 289 нм соҳадаги ютилиш максимуми 330 нм соҳага ва 375 нм соҳадаги ютилиш максимуми эса 439 нм соҳага батаҳром силжиганини кузутишимиз мумкин. Бу эса госсипол моддасига нисбатан Шифф асоси таркибида хромофор гуруҳлар, π - π ва n - π электрон ўтишлар сони ортганидан далолат беради.

Госсипол таркибида 6 та $-OH$ гуруҳи, 2 та карбонил, 2 та метил, 2 та изопропил ҳамда нафталин ҳалқаси мавжуд. Госсипол ИҚ-спектрида (ν , cm^{-1}) 3495, 3424 cm^{-1} соҳаларда $-OH$ гуруҳига тегишли бўлган валент тебранишларни кўришимиз мумкин. 1614 ва 1441 cm^{-1} соҳа ораллиғида иккита нафталин ҳалқасига тегишли валент тебранишлар кузатилганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек госсипол моддаси учун энг характерли частоталардан ҳисобланган альдегид гуруҳининг карбонил боғининг 1712 cm^{-1} соҳада интенсив валент тебранишлари намоён бўлади.



3-расм. Госсиполнинг ИҚ спектри



4-расм. Госсиполиден-ди(2-амино этилен сульфат натрий)нинг ИҚ спектри


Синтез қилиб олинган госсиполнинг Шифф асослари ИҚ спектрида 3479-3340 см^{-1} $-\text{NH}_2$ гуруҳга тегишли бўлган ютилиш максимумларининг яққол ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Госсипол моддаси спектрида кузатилган $-\text{CHO}$ гуруҳи тегишли 1712 см^{-1} даги валент тебранишлар ўрнига Шифф асоси спектрида 1614 см^{-1} соҳада $-\text{CH}=\text{NH}-$ ва $=\text{CH}-\text{NH}-$ гуруҳлари хос бўлган интенсив валент тебранишлари кузатилди. Бу янги боғлар янги маҳсулот Шифф асосларига хос бўлиб, янги бирикма ҳосил бўлганидан маълумот беради.

Госсипол ва аминлар ўртасида реакция боришининг спектр мезони сифатида уларнинг ПМР спектрлари танланган. Синтез қилинган моддаларнинг ПМР спектрларини тасвирлаш учун ДМСО ва CF_3COOH эритмалари асосий эритмалар бўлиб хизмат қилади.

Госсипол молекуласининг C^{15} ва $\text{C}^{15'}$ ҳолатида протонни кимёвий ҳаракати ўзгариши ва протон сигнали ҳосил бўлиши 10 м.у. дан 11 м.у. (карбонил гуруҳи таркибидаги протон сингнали)гача бўлган соҳада ётади. Госсиполнинг ПМР спектридан фарқли равишда Шифф асоси бирикмаси азаметин боғи ($\text{CH}=\text{N}$ ёки $\text{CH}=\text{NH}$)даги протон учун эса 8 м.у. дан 9.4 м.у. гача бўлган соҳада ётади. Шунинг учун альдегид гуруҳининг протон сигнали йўқолиши ва унинг ўрнида госсиполиден-ди(2-амино-4,6-диметилпири-мидин)нинг ПМР спектрида азаметин гуруҳи протон сигнали ҳосил бўлиши (8 м.у. дан 9.4 м.у. гача соҳа) госсипол ва аминобирикмалар ўртасида реакция борганлигидан далолат беради.

Госсипол ҳосилалари бир хил меҳмон компоненти билан ҳар хил кристаллик модификацияларни ҳосил қилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бунинг сабаби клатрат ҳосил бўлиши чўктиришнинг термодинамик шароитига боғлиқлигидир.

Госсиполиден-ди(моноэтанолламин)нинг этилацетат билан ўрганилган клатрат кристаллари ацетон эритмасидан хона ҳароратида ўстирилган, m:n - 1:1 таркибига эга ва $\text{P2}_1/\text{n}$ фазовий гуруҳда кристалланади. Асимметрик қисмида умумий позицияда госсиполиден-ди(моноэтанолламин)нинг бир молекуласи ва этилацетатнинг бир молекуласи мавжуд. Монокристалларнинг кристаллографик параметрлари «Xcalibur Oxford Diffraction» CCD-дифрактометрида аниқланган (CuK_α -нурланиш, графитли монохроматор, хона ҳароратида): кристаллар моноклинник, пр.гр. $\text{P2}_1/\text{c}$, $\text{C}_{34}\text{H}_{40}\text{O}_8\text{N}_2 \cdot \text{C}_4\text{H}_8\text{O}_2$, $a=11.743(5) \text{ \AA}$, $b=10.585(5) \text{ \AA}$, $c=28.976(5) \text{ \AA}$, $\beta=97.277(5)^\circ$, $V=3573(2) \text{ \AA}^3$, $M=692.74$, $Z=4$, $D_{\text{выч.}}=1.28 \text{ г/см}^3$.




5-расм. Госсиполиден-ди(моноэтанолламин)нинг этилацетат билан клатрат тузилишидаги молекулаларнинг конформацияси ва атомларнинг номерацисы

Госсиполиден-ди(моноэтанолламин)нинг этилацетат билан клатратининг молекулалари (5-расм) ҳам энамин таутомер шаклида бўлиб, узунлиги 1.511(4) Å, оддий C(2)-C(12) боғ билан боғланган иккита бир хил фрагментдан иборат. Бу боғ туфайли молекула аниқ конформацион харакатчанликка эга. Ди-моноэтанолламин молекуласида валент бурчак ва атомлараро масофаларнинг қиймати стандарт катталиклардан кам фарқланади. Молекула учун икки хил ичкимолекуляр Н-боғлар–N(1)-Н...О(3) бўлиб, C(7)-C(8)-C(22)-N(1)-Н...О(3) олти аъзоли халқани туташтиради ва C(6)-C(7)-O(3)...Н-О(4) беш аъзоли халқани туташтиради. Шунга ўхшаш боғлар молекуланинг бошқа ярмида ҳам кузатилади (9 жадвал). Ди-моноэтанолламин госсиполнинг молекуласида нафтил ядронинг текислиги бир хил эмас, C1-C10 да ўрта квадрат текисликдан фарқи 0,10 Å дан ошади (C8 атоми), C11-C20 учун эса максимал фарқи 0,10 Å га тенг (C18 атоми). Нафтил ядронинг ўрта квадрат текисликлар орасидаги икки ёкли бурчак қиймати 88,00(03)°га тенг. Нафтил ядронинг ўрта квадрат текисликлар ва ўрин олган бензол халқанинг орасидаги бурчак молекуланинг биринчи ярми учун 25,5(0,1)°, иккинчи ярми учун эса 23,4(0,1)°га тенг.

Иминоҳосилаларнинг Mn^{2+} , Co^{2+} , Ni^{2+} ва Cu^{2+} тузлари билан металлокомплексларини олиш

Госсипол Шифф асосларининг айрим 3d металл (Mn^{2+} , Co^{2+} , Ni^{2+} ва Cu^{2+}) тузлари билан олиб борилган реакцияларни қуйидагича схематик равишда тасвирлаш мумкин (6-расм):



6-расм. Шифф асосларининг металлокомплексларини синтез қилиш схемаси

Синтез жараёнида реакция тўлиқ кетганлигини турли физик-кимёвий константаларини ўрганиш орқали аниқланди.


Госсипол Шифф асослари металлокомплексларининг тузилишини тўлиқ характерлаш учун ИҚ, УБ ва ПМР спектрлари натижаларининг қиёсий таҳлил қилинди.

Госсиполиден-ди(2-аминоэтилен сульфат натрий)нинг $Ni(CH_3COO)_2 \cdot 4H_2O$ тузи билан ҳосил қилган металлокомплексининг ИҚ спектрини таҳлил қилганимизда қуйидагича натижалар олинди. Бунда Шифф асосининг ИҚ спектридаги 1644 cm^{-1} соҳадаги азометин боғи валент тебранишларининг металлокомплекс ИҚ спектрида 1633 cm^{-1} соҳага сурилганини кўришимиз мумкин. Бу сурилиш, азометин боғи ҳосил бўлишида қатнашаётган азот атомининг металлокомплекс таркибида Ni^{2+} билан донор-акцептор боғ ҳосил қилиб боғланиши нажасида юзага келади.


Шунингдек бу модда таркибидаги –ОН гуруҳига тегишли бўлган 3493 см⁻¹ соҳанинг металлокомплекс спектрида 3332 см⁻¹ соҳагача сурилганини ҳамда чўкки орасидаги масофанинг кенгайганини кузатилди. Бу ўзгаришлар Шифф асосидаги 7-ОН даги кислород атоми билан Ni²⁺ орасида ковалент боғ ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Шунга боғлиқ равишда металлокомплекс спектрида 754 см⁻¹ ва 650 см⁻¹ соҳаларда янги ютилиш максимумларини кўришимиз мумкин. Бу чўккилар металл-кислород ва металл-азот боғларига тегишли бўлган чўккилардир. Металлокомплексларда донор-ацептор боғларнинг ҳосил бўлиши ҳисобига баъзи бир сигналларнинг кенгайишлари кузатилди. 2956-2875 см⁻¹ соҳадаги тебранишлар ички- ва молекулалараро Н-боғларнинг валент тебранишларидир.

Шифф асоси металакомплексидаги 1290 см⁻¹ соҳадаги интенсив чўкки - С-О-боғининг валент тебранишлари ҳисобига юзага келган ютилиш чўккисидир.

Айрим синтез қилинган металлокомплексларнинг тузилиши ўрганишда ПМР спектроскопия усулидан ҳам фойдаланилди. Госсиполиден-ди(2-амино-4-метилпиридин)нинг Ni(CH₃COO)₂*4H₂O тузи билан ҳосил қилган металлокомплексининг ПМР спектри ўрганилганда, азометин боғидаги протон учун сигналлар (СН=N) 8 м.у. дан 9.4 м.у. гача бўлган соҳада намоён бўлди. Ўрганилган металлокомплекс ПМР спектрида сигналларнинг 11 м.у. дан 14 м.у. гача бўлган соҳага сурилганини кўришимиз мумкин.




7-расм. Госсиполиден-ди(2-амино-4-метилпиридин)нинг ПМР спектри



8-расм. Госсиполиден-ди(2-амино-4-метилпиридин)нинг Ni(CH₃COO)₂*4H₂O билан комплекси ПМР спектри

ПМР спектроскопия маълумотлари УБ ва ИҚ спектроскопия натижаларини тасдиқлайди. Лиганд ва улар асосида олинган металлкомплексларнинг ПМР спектрлари таққосланганда азометин боғлар (-СН=N-) ва ОН-гуруҳларга тегишли бўлган сигналлар тўлиқ ўзгаради, бу эса мазкур гуруҳлар металлкомплекслар ҳосил бўлишида иштирок этишидан дарак беради.

Биз умумий ҳолатда Со(II), Ni(II), Cu(II) ва Mn(II) ларнинг нитратлари, ацетатлари асосида 48 та янги металлокомплекслар синтез қилдик. Синтез қилинган комплекс бирикмалар таркиби ва тузилиши замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари натижалари билан тавсифлаб берилди. Синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг олинган рентгенографик анализ, УБ, ИҚ ва ПМР спектроскопия натижалари асосида назарий жиҳатдан қуйидаги тузилиш таклиф этилди:



9-Расм. Госсиполнинг Шифф асослари металлкомплексларини олинган маълумотлар асосида таклиф этилаётган структуралари

Ҳосил бўлган координацион бирикмаларнинг фазовий тузилишини ханузгача аниқ деб бўлмайди, чунки уни аниқлаш учун рентгенструктур анализ олиб бориш учун монокристаллар олинмади. Шунинг учун, олинган комплексларни спектроскопия усулларида характерлашга ҳаракат қилинди.

Шунингдек металлокомплекслар таркибидаги металлни ФЭК ёрдамида аниқланди. Госсиполнинг 2-амино 3-метил пиридин, 2-амино 4-метил пиридин, 2-амино 5-метил пиридинлар билан ҳосил қилган Шифф асосининг Ni(CH₃COO)₂·4H₂O тузи ёрдамида синтез қилинган металлокомплексларининг таркибидаги металл атомлари учун ФЭК ускунасида моддаларнинг оптик зичлиги ўлчадик. Металлокомплекс эритмаси ФЭК усулида текширилганда тўлиқ Ламберт-Бугер-Бэр қонунига бўйсунган ҳолда оптик зичликни намоён қилди.

Металлкомплексларнинг барқарорлик константалари. Синтез қилинган комплексларнинг барқарорлик константаларини аниқлаш, уларнинг аналитик имкониятларини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Ишнинг бу бўлимида потенциометрик титрлаш усулида госсиполнинг иккита азометинларини Cu²⁺, Ni²⁺, Co²⁺, Mn²⁺ билан металлкомплексларининг барқарорлик константалари аниқланди. Булар госсиполиден-ди(7-аминодезоксивазисин-9-тион) ва госсиполиден-ди(2-амино, 4,6-диметил пиридин) бирикмалари. K_{бар} ҳисоблари натижалари қуйидаги 1 -жадвалда келтирилган.

1-Жадвал

Ўрганилган металлокомплекслар учун K_{бар} ҳисоби натижалари

R	K _{бар}			
	Cu ²⁺	Ni ²⁺	Co ²⁺	Mn ²⁺
Госсиполиден-ди(7-аминодезоксивазисин-9-тион)	7.33	7.19	6.99	6.82
Госсиполиден-ди(2-метоксифенил гидразин) госсипол	7.21	7.14	6.95	6.78

4 давр оралиқ металллар комплекс бирикмаларининг барқарорлиги лиганд табиатига деярли боғлиқ бўлмайди. Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда, комплексларнинг барқарорлик константаси Cu>Ni>Co>Mn қаторда ўзгариб боради. Баъзи бир металлларнинг баъзи бир комплекслар учун намоён қиладиган хусусиятлари биологик танлаш қобилятининг самарасини тушунтириб беради.

Металлокомплексларнинг барқарорлиги лиганднинг табиатига кам боғлиқ бўлади. Барқарорлик қуйидаги кетма-кетликда Cu>Ni>Co>Mn ўзгаради деб аниқ айтиш мумкин. Қўшимча гуруҳча элементларининг ташқи

валент қобиғидаги электронлари ядро зарядининг таъсиридан заифлашади ва бу ўз навбатида ионланиш потенциалининг ортишига олиб келади. Шу сабабли Cu^{2+} иони Ni^{2+} , Co^{2+} ва Mn^{2+} га нисбаттан, Ni^{2+} эса Co^{2+} ва Mn^{2+} га нисбаттан лиганд электрон булутларини кучлироқ тортади ва боғ мустаҳкамлиги ортади.

Шифф асосларининг сувда эрувчан шакллари олиш. Фармацевтика саноатида янги дори шакллари ишлаб чиқаришда комплекс ҳосил қилиш усули кенг ишлатилади. Комплекс ҳосил қилувчи модда сифатида хавфсизлик, гипоаллергенлик, биомойиллик каби тамойиллар муҳим ҳисобланади. Биологик ҳоссага эга бўлган моддалардан дори воситаси яратиш учун аввало бу модда сувда эрувчан бўлиши лозим. Шунини ҳисобга олган ҳолда, олинган моддаларнинг сувда эрувчан ҳолатга келтириш мақсадида, ПВП, ГКМАТ каби ташувчилар ёрдамида 1:2 масса нисбатда супрамолекуляр комплексларини синтез қилдик. Реакция туби ясси қолбага қайтар совутгич уланган ҳолатда олти соат давомида магнитли айлантиргичда қиздирилган шароитда ($70-80^\circ\text{C}$) олиб борилди. Реакциянинг боришини кузатиш мақсадида ҳар бир соатда Юпка катламли хроматография усули ёрдамида назорат қилинди. Реакция тўлиқ борганидан сўнг реакция маҳсулоти филтрланиб олиниб 2-3 марта этил спирти билан ювилди. Олинган модда кўш нури тушмайдиган жойда қуритилди.

Шифф асосларининг сувда эрувчан шакллари тузилишини тўлиқ характерлаш учун ИҚ ва ПМР спектрлари натижаларининг қиёсий таҳлил қилинди. Хусусан Шифф асоси ИҚ спектридаги 1614 см^{-1} соҳадаги азометин боғига тегишли бўлган ютилиш чўққисининг супрамолекуляр комплекс ИҚ спектрида 1591 см^{-1} соҳага сурилганини ва чўққилар орасидаги масофанинг кенгайганини кўришимиз мумкин. Шунингдек 3305 см^{-1} ва 2924 см^{-1} соҳадаги –ОН гуруҳларга тегишли ютилиш чўққисининг ҳам кенгайиб сигнал берганини кузатиш мумкин. Шифф асоси ИҚ спектридаги 1035 см^{-1} соҳадаги ютилиш чўққисининг супрамолекуляр комплекс спектрида 1053 см^{-1} соҳага сурилганини ва кенгайганини кузатилди. Шифф асоси ИҚ спектридаги 1163 см^{-1} даги соҳа супрамолекуляр комплекс спектрида йўқолиб кетади. Шунингдек Госсиполиден-ди(2-аминоэтансульфонат натрий)нинг ГКМАТ билан ҳосил қилган комплекси ПМР спектри олиниб таҳлил қилинди.

Синтез қилинган супрамолекуляр бирикмаларнинг кислотали ва ишқорий муҳитда гидролизи ўрганилди. Ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, кислотали муҳитда 470 нм да ютилиш максимуми пайдо бўлади, ишқорий муҳитда эса бу ютилиш максимуми тўлиқ йўқолади. Шундай қилиб, адабиётлардан маълум бўлган ишқорий гидролиз кузатилмади. Агар ҳосил бўлган азометин молекуласида ўриндошлар, ундаги кислотали хоссаларнинг асослик хоссаларидан устун бўлишига сабаб бўлса, ишқорий гидролиз кечиши мумкин. Бу ўриндошни (асослик хоссаси кам) гидролизга таъсири билан тушунтирилади, азометинларнинг ишқорий гидролизи тўғрисидаги маълумотлар билан мос келади. Модда спектрида эритмалар сақланиш вақти ортиши билан аввал оптик зичликларнинг интенсивлигини камайиши, сўнг ортиши кузатилади, бунда спектрнинг

умумий тасвири ўзгармайди. Барча спектрларда 252 дан 485 нм соҳада ютилиш интенсивлигининг максимуми кузатилади. Госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит)нинг ГКМАТ билан ҳосил қилган комплексида оптик зичликнинг ортиши 275 нм соҳада кузатилади (0,14 дан 0,41 гача), лекин спектрнинг умумий кўриниши ўзгармайди Шундай қилиб, госсиполнинг азометинли ҳосилаларини супрамолекуляр комплексларининг сувли эритмалари 48 соат ичида деярли гидролизга учрамайди. Бирикмаларнинг супрамолекуляр комплексларини бу хоссалари дори препаратларини яратишда туртки вазифасини ўтайди. Дори препаратларни супрамолекуляр комплексларини олиш ҳам бу препаратларга сувда эрувчанлик хоссасини беради, бу эса препаратларнинг биомойиллигини оширади.

Госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит) нинг ГКМАТ билан ҳосил қилган комплекси сувли эритмаларининг УБ спектрларини таққосий ўрганиш шуни кўрсатадики, кучсиз ишқорий муҳитда (рН-10,96) олинган 3 хил вақт (10 дақ., 24 соат, 48 соат) оралиғидаги УБ спектрларининг деярли ўзгармаганлиги, бунда фақат айрим λ_{max} қийматларининг камайиши кузатилди. Кучсиз килотали ва кучсиз асос муҳитидаги госсиполга тегишли Шифф асосларининг ГКМАТ билан ҳосил қилган супрамолекуляр комплексларининг гидролизга учрамаслигини аниқланди. Бу натижа эса ўз навбатида келажакда инсон организмнинг турли қисмларида турлича рН (ошқозонда кислотали, ичакларда асосли муҳит) қийматларининг намаён қилиши ва бу муҳитларда госсипол Шифф асосларининг ГКМАТ билан ҳосил қилган супрамолекуляр комплексларининг узоқ вақт (48 соат) гидролизга учрамаслиги амалий аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида дори моддаларнинг организмга таъсир қилиш вақтини узайтириш имкониятини яратади.

Диссертациянинг «Синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ва хоссаларини компьютерда моделлаштириш» деб номланган учинчи бобида госсипол ҳосилалари ва металлокомплексларининг квант-кимёвий ҳисоб-китоб натижалари келтирилган. Битта таутомер ҳолатидан иккинчисига ўтишидаги тўсиқни ҳисоблаш учун госсиполнинг (кето-альдегидли шакл) ва Шифф асосларини (имин-енамин шакл) оралик структурасининг геометриялари тузилди.

2-Жадвал

Госсипол ва ди-(7-аминодезоксивазицин-9-тион)-госсиполнинг таутомер шаклларини RM1, RM6 ва RM7 яримэмпирик усулларда ҳисобланган ҳосил бўлиш иссиқликлари (ΔH , ккал/моль)

Таутомер	RM1	RM6	RM7
	Госсипол		
Альдегид - альдегид	-306.37	-300.42	-311.25
Альдегид -кетол	-302.44	-300.26	-309.93
Кетол- кетол	-298.49	-300.11	-308,56
	Ди-(7-аминодезоксивазицин-9-тион)-госсипол		
Имин-имин	-135.76	-112.61	-127.82
Имин-енамин	-138,11	-121.12	-132.07
Енамин-енамин	-142,83	-129.85	-139.90

Госсиполдан фарқ қилиб, барча Шифф асослари учун имин-имин шаклга нисбатан енамин-енамин шакл ўртача 20.18 ккал/мольга барқарорроқ (2-жадвал).

Шундай қилиб, ўрганилган Шифф асосларида енамин-енамин шакл структурадаги R радикалга боғлиқ бўлмаган ҳолда, оптимал ҳисобланади.

Диссертациянинг «Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида госсипол ҳосилаларининг яллиғланишга ва баъзи бактерия, замбуруғларга қарши сезиларли фаолликни намоён қилувчи моддалар борлиги аниқланди.

Препаратларнинг айрим микроорганизмларга қарши фаоллигини аниқлаш. Госсипол билан биргаликда госсиполиден-ди(2-аминоэтилен натрий сульфит) ва унинг ГКМАТ билан сувда эрувчан комплекси структуравий фрагментларига фаоллигининг қай даражада боғлиқлигини учта тест-хужайраларда ўргандик. Ўрганилган учта микроорганизмларга қарши, соф ҳолда олинган 2-аминоэтилен натрий сульфитнинг госсиполга нисбатан ҳамда уларнинг ўзаро реакцияга киришиши натижасида ҳосил бўлган госсиполиден-ди(2-аминоэтилен натрий сульфит) моддаси энг юқори фаолликни намоён қилди. Текширилган моддалар орасида, госсиполиден-ди(2-аминоэтилен натрий сульфит) моддаси юқори антибактериал ва замбуруғга қарши фаолликни намоён қилди. Кейинчалик, синтез қилинган баъзи бир бирикмаларнинг антибактериал ва замбуруғга қарши фаоллигини ўрганилди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Госсипол ва синтез қилинган госсиполнинг Шифф асосларини антибиотикли фаоллиги

Модда	Ишлатилган микроорганизмлар			
	Микроорганизмларни ўсишини тўхатиш зонаси диаметри (мм)			
	<i>B.subtilies</i>	<i>St.aureus</i>	<i>E.coli</i>	<i>Ps.aureginosa</i>
Госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит)	28,26,28	30,30,30	26,28,28	26,28,28
Госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит) +ГКМАТ 1:2	22,22,20	24,24,24	24,22,24	20,21,22
Госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит) +ГКМАТ 1:4	21,20,22	20,20,20	21,20,22	18,16,18
Госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит) +ПВП	20,18,20	18,18,18	20,20,20	22,20,20
Госсипол	15,16,16	15,12,14	0	0
β-Амино этилен натрий сульфит	0	0	0	0

Госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит) госсиполнинг ГКМАТ билан супрамолекуляр комплексининг яллиғланишга қарши фаоллигини ўрганиш

Асептик артритнинг экспериментал моделини келтириб чиқариш учун каламушларнинг орқа оёғига субплантар киритиш йўли билан 0,1 мл ҳажмда

6% декстран юборилди. Госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит)нинг ГКМАТ билан турли композицияли (1:1, 1:2 ва 1:4) супрамолекуляр комплекси ва глицирризин кислотанинг (25, 50 ва 100 мг/кг) дозаларида профилактик таъсири ўрганилди. Юқоридаги препаратлар превентив тарзда ошқозон ичига металл зонд ёрдамида икки марта 1 кун давомида ва флагоген юборишдан 1 соат олдин юборилди. Ҳайвонларнинг оёқларини ҳажми плетизмометр ёрдамида флагоген юборишдан олдин ва 60, 120, 180 ва 240 минутдан кейин ўлчанди. Яллиғланишга қарши препаратларнинг фаолликларини қийматлари қуйидаги формуладан топилди:

$$ПВА = \frac{V_{\text{кон}} - V_{\text{оп}}}{V_{\text{кон}}} \times 100 = \%$$

бунда, $V_{\text{кон}}$ - назоратдаги оёқларнинг ҳажмини ўртача ортиши, см^3 ; $V_{\text{оп}}$ – тажрибадаги оёқларнинг ҳажмини ўртача ортиши, см^3 .

Тажрибалар “Тажриба ҳайвонлари ёрдамида ишларни ташкил этиш қоидалари” га мувофиқ ҳамда тажриба тадқиқотларида ёки бошқа илмий мақсадларда ишлатилган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясида қабул қилинган қоидаларга мувофиқ олиб борилди (ETS № 123, Страсбург, 18.03.1986 й.).

Тажриба тадқиқотларининг олинган натижалари StatPlus 2009 стандарт дастурлари пакетидан фойдаланган ҳолда статистик усулда, вариацион статистиканинг умумқабул қилинган усуллари бўйича кўрсаткичларни ($M \pm m$) қийматини баҳолаш ва Стьюдентнинг t-тамоёйили бўйича кўриб чиқилган намуналарнинг фарқи бўйича қайта ишланди. Эҳтимоллик даражаси 95% ёки ундан кўп бўлганда ($P < 0,05$) фарқ ишончли деб тахмин қилинди. Агар 25 мг/кг дозадаги бирикма экссудация жараёнини 21,0; 24,0 ва 27,3%га 1:1, 1:2 ва 1:4 нисбатларда тўхтатса, у ҳолда дозанинг икки марта оширилиши эффектнинг ортишига олиб келади, айниқса, 1:4 нисбатдаги бирикмаларда бу қиймат 31,0%ни ташкил этди. 2:1 нисбатдаги бирикмада дозанинг 100 мг/кг ортиши яллиғланишга қарши фаолликни 26,7%га, 1:4 нисбат эса 32,8%га оширади.

4-жадвал

Госсипол, госсиполиден-ди-(2-амино этилен натрий сульфит) нинг ГКМАТ билан супрамолекуляр комплекси ва глицирризин кислотадан ташкил топган бирикмаларнинг турли композицияларини яллиғланишга қарши фаоллиги (%)

Доза, мг/кг	Ингредиентларнинг нисбати		
	1:1	1:2	1:4
25	21,0	24,0	27,3
50	22,5	25,5	31,0
100	23,8	26,7	32,8

Демак, госсипол, госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит) ва ГКМАТ ёрдамида ташкил топган комплекс препарат, ўзининг яллиғланишга қарши фаоллиги бўйича глицирризин кислотадан устун.

Шундай қилиб, олиб борилган тажриба тадқиқотларининг натижалари асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин, госсипол, госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит) ва ГКМАТ билан комплексдан ташкил топган бирикмалар аниқ антиэкссудатив фаолликка эга. Бу фаоллик

бириқмадаги глицирризин кислотанинг улуши ортиши билан ортиб боради. Бирикмани тадқиқ қилиш, яллиғланишга қарши янги самарали бирикмани яратишда қизиқиш уйғотиши мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Госсиполиден-ди-(моноэтанолламин) Шифф асосининг клатратларини кристалл тузилиши ўрганилди, аниқланишича, этил ацетат молекулаларини Шифф асослари билан ўзаро таъсирлашуви водород боғлар эвазига амалга ошади, рентген тузилиши таҳлили натижалари назарий ва амалий биоорганик кимёда қўллаш учун тавсия этилади.

2. Госсиполдан госсиполиден-ди-(7-аминодезоксивазисин-9-тион) синтез қилинди, унга органик реагентлар иммобилланганидан кейин ташувчи сифатида экологик объектларда мис ва кобальт ионларини кимёвий лаборатория шароитларида аниқлаш учун ишлатилди. («Ўзстандарт» агентлиги томонидан рўйхатга олинган (Ts 303324424-001:2020) рақамли ташкилотнинг стандарти олинди). Натижада экологик объектлардан мис ва кобальт ионларини кимёвий лабораторияларда аниқлашда органик реагент сифатида қўллашга тавсия этилди.

3. Чиқинди сувлардан кобальт (II) ва никел (II) ни чўктиришда органик реагент сифатида қўлланилиши мумкин бўлган госсиполиден-ди(2-аминоэтилен натрий сульфит) ва госсиполиден-ди (7-аминодезоксивазисин-9-тион) моддалари синтез қилинди ҳамда «Ўзбекнефтгаз» АЖ «Муборак газни қайта ишлаш заводи»да дастлабки синовдан ўтказилди («Муборак газни қайта ишлаш заводи»нинг 08.09.2020 йилдаги 993/ГК-09 сонли маълумотномаси). Натижада чиқинди сувлар таркибидаги кобальт (II) ва никел (II) ионларини чўктиришда органик реагент сифатида қўллашга тавсия этилди.

4. Илк мартаба госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит)нинг ГКМАТ билан супрамолекуляр комплексининг субстанциясини ишлаб чиқиш лаборатория регламенти яратилди (03.09.2020 йилда ЎЗМУ проректори Х.Х.Сабуров томонидан тасдиқланган). Миқдорий маълумотлар статистик усуллар билан қайта ишланди. Олинган натижалар истиқболда супрамолекуляр дори препаратларни кенг миқёсида ишлаб чиқариш учун хизмат қилади.

5. Шифф асосларининг биологик фаоллиги PASS дастури ёрдамида online ҳисоб-китоб қилинди, бунда олинган маълумотлар тажрибада олинган натижаларга пропорционаллиги ўрганилди. Бу ҳисоб-китоблар келажақда қимматбаҳо реагентларни иқтисод қилиш ва доривор препаратлар олишга кетадиган вақтни тежаш имконини беради.

6. Госсиполиден-ди(2-амино этилен натрий сульфит) ва унинг ГКМАТ билан ҳосил қилган супрамолекуляр комплекси баъзи бактерия ва замбуруғларга ҳамда яллиғланишга қарши фаолликни намоён қилиши аниқланди. Олинган натижалар истиқболда маҳаллий хом ашё асосида антибиотиклик хоссасини намоён қилувчи импорт ўрнини босувчи доривор препаратлар ишлаб чиқишга имкон яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.K.05.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТОШОВ ХАМЗА САЙИДМУРОДОВИЧ

**ГОССИПОЛ И ЕГО ПРОИЗВОДНЫЕ: ВОДОРАСТВОРИМЫЕ
ФОРМЫ, БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ**

**02.00.10-Биоорганическая химия
(химические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана - 2020 год

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора химических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/K134.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Хантбаев Алишер Хамидович
доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Арипова Салимахон
доктор химических наук, профессор

Жалолов Икбол Жамолович
кандидат химических наук (PhD)

Ведущая организация:

Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится « 16 » декабрь 2020 г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019 K 05 01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел (+99873) 244-44-02, Факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирован за 97). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел: (+99873) 244-44-02 факс: (+99873) 244-44-93).

Автореферат диссертации разослан « 4 » 12 2020 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от 4.12 2020 г.).



[Signature] В.У.Хужаев
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней
профессор.

[Signature] М.Нишонов
Заместитель секретаря научного совета
по присуждению учёных степеней
профессор.

[Signature] Ш.В.Абдуллаев
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению учёных степеней
д.х.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире синтез новых биологически активных веществ, использование их в медицине для лечения и профилактики вирусных заболеваний, создание новых препаратов для лечения этиологических иммунодефицитов, в частности, иммунодефицита человека, новых респираторных вирусных инфекций (птичий грипп), гепатитов В, С имеют важное значение. Извлечение биологически активных соединений различными методами из производных природных соединений и их измененных аналогов является одним из перспективных методов создания новых лекарственных средств.

В последние годы по всему миру растёт потребность в лекарственных препаратах, полученных на основе природных источников. 1/3 часть лекарственных препаратов, используемых в медицине, составляют лекарственные препараты, выделенные из растительных веществ. Поэтому проводятся научные исследования с целью проведения целенаправленного синтеза и модификации новых производных госсиполсодержащих соединений, определения их структуры современными методами, изучения различных биологических свойств полученных соединений, создания новых лекарственных препаратов на основе выбранных биологически активных веществ. В стране приняты масштабные меры по синтезу новых биологически активных веществ на основе местного сырья, на основе которых создаются препараты против иммунных заболеваний, и достигнуты определенные результаты. В связи с этим можно выделить препараты на основе госсипола, выделяемого из состава хлопчатника, применяемые против вирусов и бактерий, вызывающих различные инфекционные заболевания ("Мегосин" против герпеса, "Рагосин" против гепатита, "Гозалидон" против вирусов).

В стране приняты масштабные меры по синтезу новых биологически активных веществ на основе местного сырья, на основе которых создаются препараты против иммунных заболеваний, и достигнуты определенные результаты. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет важные задачи, направленные на «производство готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоение принципиально новых видов продукции и технологий, на этой основе обеспечение конкурентоспособности отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынках²». В связи с этим актуален синтез индукторов интерферона на основе госсипола, обладающих свойством повышать чувствительность препаратов, применяемых против вирусов и бактерий, вызывающих различные инфекционные заболевания, и их применение в медицине.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947- «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

Данное диссертационное исследование будет в определенной степени служить для реализации задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и ПК-3983 от 25 октября 2018 г. «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан» и 3 апреля 2019 г. № ПК-4265 Постановлении «О дальнейшем реформировании химической промышленности и повышении инвестиционной привлекательности» и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. VI. Химическая технология и нанотехнологии.

Степень изученности проблемы. По данным из научных источников получение госсипола и его производных, синтез органических лигандов с солями металлов, изучение состава, строения, реакционной способности, электронного строения, термический анализ и биологические свойства были изучены зарубежными учёными P. Przybulski, E.P. Clark, R. Adams, Z.G. Wang, A. Kenar, D.Y. Naumov, C.H. Pominski, Ю.А. Харитоновым и в нашей республике О.О. Садыковым, А.И. Глушенковой, Х.А. Аслановым, Б.Т. Ибрагимовым, С.А. Ауелбековым, А.И. Исмаиловым, Н.И. Барамом, Л. Биктемировым, Д.Н. Далимовым, К.С. Сулаймонкуловым, Е.Н. Мухаммаджановой, А.М. Сайиткуловым, С.А. Талиповым, Х. Зияевым, А.Х. Хаитбаевым, К. Реджеповым и некоторыми другими молодыми учёными.

Несмотря на это, синтез, строение, физико-химические свойства и биологическая активность супрамолекулярных комплексов, полученных взаимодействием солей Шифф оснований госсипола с d-металлами, моноаммониевой солью глицирризиновой кислоты (МАСГК), поливинилпирролидоном (ПВП), недостаточно изучены.

Учитывая это, синтез новых Шифф оснований госсипола, обладающих свойством иммуностимуляторов, создание препаратов с широким терапевтическим эффектом на основе их солей d-металлов и получением водорастворимых супрамолекулярных комплексов, имеет важное научно-практическое значение.

